


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2021 йил 18 ноябрь, № 247 (8027) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК II ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

**Ҳурматли Ўзбекистон ва Россия ҳудудларининг раҳбарлари!**

**Ҳурматли делегациялар аъзолари!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

Иккинчи Ўзбекистон — Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форуми иштирокчиларини қутлашдан мамнунман.

Мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги муҳтарам Владимир Владимирович билан иккимиз роппа-роса уч йил аввал бошлаб берган фаол мулоқот бугун стратегик шерикликни мустаҳкамлашнинг локомотивларидан бирига айланди.

Ҳеч шубҳасиз, Форумнинг муваффақиятли фаолияти кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда эришган улкан натижаларимиз ва юксак марраларнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон ҳудудлари Россия Федерациясининг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон Республикаси, Олтой ўлкаси, Астрахань, Новосибирск, Омск, Самара, Челябинск вилоятлари ва кўплаб бошқа субъектлари билан жадал ҳамкорлик қилаётганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биргаликда олиб борилаётган фаол ишлар туфайли ўзаро товар айирбошлашнинг ҳатто пандемия шароитида ҳам ўсишига эришдик, унинг ҳажми эса жорий йилда олти миллиард доллардан ошади.

Кейинги бир йилда Санкт-Петербург, Самара ва Қозонда Ўзбекистон ҳудудларининг кўргазмалари муваффақиятли ўтказилди.

Бугун мамлакатларимизда уч мингга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда, иқтисодиётнинг барча соҳаларида юзлаб янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда Россиядан жалб қилинган инвестициялар ҳажми бугунги кунда 10 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич жадал ўсиб бормоқда.

Муваффақиятли ҳамкорлигимизнинг айрим мисолларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Татаристонлик шериклар билан Тошкент вилоятида "Химград" юқори технологик саноат парки ташкил этилмоқда.

Яқин орада Жиззах вилоятида москвалик инвесторлар билан ҳамкорликда кўп функцияли агрологистика маркази ишга туширилади.

Самара вилояти компаниялари Бухорода йирик иссиқхона мажмуасининг қурилишига киришди.

Ингушетиялик тадбиркорлар билан биргаликда Фарғона водийсида тўқимачилик кластерини кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бундай мисолларни, шу жумладан, Ўзбекистон бизнеси иштирокида Россия ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.

**Азиз дўстлар!**

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд.

Икки мамлакат манфаатлари учун янги истиқболлар очадиган йўналишларни алоҳида қайд этишни истардим.

**Биринчи.** Қўшма бизнес лойиҳаларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаймиз, шунингдек, россиялик инвесторлар учун зарур шароитлар яратишни давом эттирамиз.

Бу ҳақда сўз борганда, энг аввало металлургия, энергетика, нефть-кимё, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги саноат кооперациясини қайд этиш лозим.

**Иккинчи.** Ҳудудларимиз бир-бирини самарали тўлдириб туриши мумкин бўлган соҳа — қишлоқ хўжалигидаги ҳамкорлик улкан имкониятларга эга.

Ўзбекистон ва Россияда йирик агросаноат компаниялари ва кластерлари, омборхона терминаллари ва қайта ишлаш қувватларини яратиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, биз янги агротехнологияларни кенг жорий этиш, селекция соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдормиз.

**Учинчи.** Инновациялар, IT, билим ва саноат технологиялари билан алмашиш соҳалари, айниқса, истиқболлидир.

Хусусан, "Иннопром" халқаро кўргазмаси эндиликда ҳар йили янги минтақавий форматда Ўзбекистонда ўтказилади.

Россиянинг етакчи, шу жумладан, ҳудудий олий таълим даргоҳларининг мамлакатимиздаги фаолияти янада кенгайишини қўллаб-қувватлаймиз.

Бу борадаги муваффақиятли ишларга Қозон федерал университети ва Астрахань давлат техника университети билан шериклигимизни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу, шунингдек, илмий ҳамкорлик ва биргаликдаги амалий тадқиқотларни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

**Тўртинчи.** Ҳудудлар ўртасидаги фаол алоқалар маданий-гуманитар алмашинув ва туризмнинг кенгайишига хизмат қилади.

Ҳудудларда мамлакатларимиз вакиллари иштирокида ёшлар фестиваллари, концертлар мунтазам ўтказилишини, театрларнинг ижодий сафарлари ва спорт тадбирлари ташкил этилишини қўллаб-қувватлаймиз.

**Ҳурматли форум иштирокчилари!**

Бугунги учрашув ва унинг натижасида янги қўшма дастур ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳудудларимиз ва умуман мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка кучли суръат бағишлашига ишонаман.

Форумнинг барча иштирокчиларига самарали фаолият, катта муваффақиятлар ва янги ютуқлар тилайман.

Катта мамнуният билан сизларни келгуси йилда учинчи Ҳудудлараро форумни ўтказиш учун Ўзбекистонга таклиф этаман.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФ БИЛАН БОРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 19 ноябрь куни ташриф билан Россияга боради.**

Икки мамлакат етакчилари Москва шаҳрида музокара ўтказадилар, Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қиладилар. Қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши ҳам кўзда тутилган.

Ташриф арафасида Москвада Ўзбекистон ва Россия иккинчи Таълим форуми ва навбатдаги Ҳудудлараро ҳамкорлик форумининг қўшма тадбирлари ўтказилмоқда.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон — Россия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни Россия Федерациясига ташриф билан боради.*

*Россия билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 20 март куни ўрнатилган. 2004 йилда давлатлар Стратегик шериклик тўғрисида, 2005 йилда эса Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида битим имзолаган.*

Ўтган 30 йил мобайнида Москва ва Тошкент биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан кўп қиррали ҳамкорлик ўрнатиш, халқларимизни боғлаб турган кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Томонлар ўртасида 27 та олий даражадаги ташриф ташкил этилди. Шу билан бирга, ўзаро алоқалар, айниқса, сўнгги йилларда алоҳида динамика касб этди. Биргина 2020 йилнинг ўзида турли даражадаги 100 га яқин икки томонлама ташрифлар амалга оширилгани ҳам буни яққол ифодалайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россияга давлат ташрифи, шунингдек, Россия Президенти Владимир Путиннинг 2018 йил 18-19 октябрь кунлари мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихидаги энг муҳим воқеалардан бўлди.

Ушбу олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда жами 70 га яқин шартнома ва битимлар имзоланди.

Сўнгги йилларда икки мамлакат етакчилари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида шаклланган яқин мулоқот, шахсий муносабат туфайли давлатлараро алоқалар изчил ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли келишувлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тошкент ва Москвани Марказий Осиё минтақаси ва умуман, МДҲ маконида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, глобал муаммоларни ҳал этиш, коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдек умумий манфаатлар боғлаб турибди.

Россия сўнгги беш йилда Ўзбекистон томонидан турли майдонларда илгари сурилган йирик халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлади ва уларни амалга ошириш жараёнида иштирок этди. Улар орасида Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш, Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини тузиш, БМТ Бош Ассамблеясининг қатор махсус резолюцияларини қабул қилиш сингари муҳим ташаббуслар бор.

Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" (2018 йил 26-27 март) ва "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" (2021 йил 15-16 июль) мавзуларидаги юқори даражадаги халқаро конференцияларда иштирок этди. Ушбу форумлар Афғонистон муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш, шунингдек, сиёсий, иқтисодий, сармоявий, транспорт-логистика, энергетика, технологик, маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг янги самарали моделини ишлаб чиқиш учун сиёсий майдончани шакллантирди.

Бугунги кунда томонлар барча даражадаги изчил ва кенг кўламли мулоқотни давом эттирмоқда. Хусусан, ўзаро ҳамкорликнинг уч босқичли ноёб тизими яратилган: Бош вазирлар даражасида қўшма комиссия, ҳукуматлараро комиссия ва унинг қуйи комиссиялари фаолияти йўлга қўйилган. Парламентлар ва минтақалар ўртасидаги мулоқот кенгайиб бормоқда, Ташқи ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги ривож топмоқда.

Кўп томонлама тузилмалар, биринчи навбатда, МДҲ ва ШҲТда фаол иштирок этиш масалаларига устувор эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон айни пайтда кузатувчи давлат сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасида ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурани кенгайтириш учун мазкур ташкилот бозори салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятларини ўрганмоқда.

→ 2

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Амалий ҳамкорликни илгари суриш, энг аввало, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, машинасозлик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа устувор йўналишларда узоқ муддатли кооперация лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш муҳим экани қайд этилди.

Икки мамлакат ҳукуматлари томонидан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва аниқ дастурлари ишлаб чиқилиши юзасидан келишувга эришилди.

Давлат раҳбарлари бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ҲУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА II ФОРУМИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига ташрифи арафасида 17 ноябрь куни Москва шаҳрида Ҳудудлараро ҳамкорлик бўйича II форум бўлиб ўтди.**

Тадбирда икки мамлакатдан 800 дан зиёд иштирокчи — ҳукумат аъзолари, ҳудудлар, вазирликлар, идоралар, тармоқ бирлашмалари, бизнес уюшмалар раҳбарлари, йирик компаниялар ва хусусий сектор вакиллари қатнашди.

Форумни ўтказишдан мақсад — Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри ишбилармонлик алоқалари ва амалий ҳамкорликни ўрнатиш, уларни мустаҳкамлаш учун ягона маконни яратишдан иборат.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин иштирокчилар олдида видеомурожаат шаклида нутқ сўзлади.

→ 2

## КИМЁ САНОАТИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 17 ноябрь куни кимё саноатида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва янги лойиҳалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар бугун натижадорликка айланмоқда. Хусусан, кимё саноатида сўнгги беш йилда умумий қиймати 2 миллиард 100 миллион долларлик 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилди. Яна бир муҳим жиҳати, соҳага хусусий сектор кириб келиб, улар томонидан 45 миллион долларга тенг 8 та лойиҳа ишга туширилди.

Шу беш йилда кимё саноатида ишлаб чиқариш 1,5 баробарга, экспорт ҳажми 190 миллион доллардан 310 миллион долларга кўпайди. Корхоналарнинг умумий соф фойдаси 8 баробардан зиёд ўсиб, жорий йил якуни билан 1 триллион сўмдан ошиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги қарорига мувофиқ келгусида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятларида юқори қийматли товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган 4 та технологик кимё кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Уларда углерод, полиэфир ва ацетат толаси, поливинилацетат, калий нитрати каби 20 дан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Йиғилишда ушбу кластерлар ва истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

→ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август** куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган масалалар ижросини таъминлаш, шунингдек, электрон тижорат соҳасидаги платформалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда аккредитив бўйича ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон тижоратнинг "Очиқ рақамли экотизими" ахборот тизимлари мажмуасини (кейинги ўринларда — Рақамли экотизим) **2022 йил 1 июлдан бошлаб** тўлиқ ишга тушириш тўғрисидаги **таклифи маъқуллансин.**

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Электрон кооперация портали маркази **Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошидаги Рақамли трансформация маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Марказ зиммасига қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклатилсин:

**Рақамли экотизимни шакллантириш** ва унинг **оператори** функцияларини бажариш;

мулкчилик шаклидан, идоравий ва тармоққа мансублигидан, ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, электрон тижорат платформаларига ўзининг мижозлар базасидан тенг фойдаланиши ҳамда уларга хизматлар кўрсатиши учун шароитлар яратиш;

→ 2

Бугун — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун




Ҳар бир халқ, миллат учун ўз Ватанининг рамзлари муқаддас. Боиси уларда ўша халқнинг шонли ўтмиши ва буюк келажаги, асрий анъана ва урф-одатлари ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳам мустақиллигимиз рамзи, халқимизнинг орзу-умидлари, ғурури белгиси сифатида ҳар бир кишининг қалбида фахр-ифтихор туйғусини юксалтиради. Байроғимиз миллий-тарихий анъаналаримиз, узоқ ўтмишга бориб тақаладиган бой маданиятимиз, поклик, яхшилик, донишмандлик, шон-шуҳрат ва садоқат каби халқимизга хос эзгу фазилатларни ўзида ифода этган.

Юртдошларимизнинг фикрлари ҳам айнан шу ҳақда.

→ 4

## ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

*Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

### Долзарб мавзу

Унда комиссия аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борган йиғилишда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида 2021 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар, кўрилган чоралар ҳамда соҳаларда сақланиб қолаётган масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

→ 3

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси бугун — 2021 йил 18 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида 18-19 ноябрь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

# КИМЁ САНОАТИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

← 1

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳалар тармоқдаги улкан имкониятларга нисбатан етарли эмаслигини, инвестиция жалб этиб, маҳсулотларни кўпайтириш мумкинлигини таъкидлади.

Келгуси йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 12 триллион сўмга, экспортни 380 миллион долларга етказиш имкониятлари кўриб чиқилди. Соҳани рақамлаштириш, корхоналарда операцион харажатлар ва энергия сарфини қисқартириш орқали маҳсулот таннархини камайтириш вазифаси қўйилди.

Қайд этилганидек, умумий қиймати 740 миллион долларлик 4 та йирик лойиҳа бўйича қурилиш ишлари бошланади. Шунингдек, келгуси йилда суюқ комплекс ўғитлар, карбамид формальдегид смоласи, гидроксипропил-метилцеллюлоза, кальций хлорид каби янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мутасаддиларга ушбу лойиҳалар ижросини доимий назоратга олиш бўйича кўрсатма берилди.

Корхоналарни трансформация қилиш, уларга замонавий технологиялар ва бошқарув тизимини жорий этиш ишларини изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Янги корхоналарни кадрлар билан таъминлаш ҳам муҳим масала. Шу мақсадда келгуси йилда 6 минг нафар олий ва ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш мўлжалланган. Тармоқдаги 6 та корхона негизида ўқув марказлари ҳамда Чирчиқ шаҳрида ишчи-мутахассислар тайёрлаш мажмуасини ишга тушириш белгиланган.

Мутахассисларни кимё саноатининг бугунги ривожи ва иш берувчининг талаблари асосида тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда белгиланган вазифалар бўйича тегишли ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси таъминланади.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

← 1

Рақамли экотизимнинг **“эскроу”** тизими функцияларини бажариши муносабати билан битта шахсий ҳисобварақдан ҳисобкитоблар ва тўловлар ҳамда томонларнинг шартнома мажбуриятлари кафолатли (аккредитив тамойили бўйича) бажарилишини таъминлаш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Рақамли экотизимга интеграциялашган электрон тижорат платформаларида товарлар ва хизматларни сотиш тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиши шарт. Бунда нархи кўрсатилмаган товар ва хизматларни сотиб олиш бўйича битимлар тузишга йўл қўйилмайди;

**2024 йил 1 январга қадар** Рақамли экотизимга интеграциялашган электрон тижорат платформалари операторлари учун фойда солиғи ставкаси **50 фоизга камайтирилади**;

товарлар (хизматлар) электрон савдосини амалга оширувчи солиқ тўловчилар учун, улар Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига киритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 337 ва 467-моддаларига мувофиқ фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкалари қўлланилади.

Молия вазирлиги **икки ой муддатда** мазкур банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Электрон тижоратнинг “Очиқ рақамли экотизими”ни ташкил этиш бўйича **“Йўл харитаси”** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Марказ Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар** Рақамли экотизим орқали солиқ органларига реал вақт режимида маълумотларни узатиш имконини берувчи электрон маълумотлар базаларининг ўзаро интеграциясини таъминласин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **икки ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор мазмун ва моҳиятининг, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали кенг тушунтирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б.Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 17 ноябрь

## Ўзбекистон — Россия:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

← 1

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар икки томонлама иқтисодий муносабатларга янги суръат бағишлади.

Муваффақиятли ҳамкорликнинг ёрқин ифодасини товар айирбошлаш ҳажми ўсиб бораётганида кузатиш мумкин. Россия Ўзбекистоннинг ўзаро савдо бўйича иккинчи йирик ҳамкоридир. 2020 йилда унинг кўрсаткичи қарийб 6 миллиард долларга етди, 2021 йилнинг тўққиз ойида эса пандемия шароитига қарамасдан, ушбу рақам ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 26,2 фоизга (5,1 миллиард доллар) ошди. Яқин ўрта истиқболда мамлакатлар ўзаро савдо кўрсаткичларини 10 миллиард долларга етказишни режалаштирмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия самарали иш олиб бормоқда. Унинг 22-йиғилиши шу йил 27 октябрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтди. 2024 йилгача иқтисодий ҳамкорликнинг ҳукуматлараро дастури ва уни бажариш бўйича тадбирлар режаси амалга оширилмоқда. Бу саноат, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги, молия-банк, солиқ, рақамли соҳаларда 100 дан ортиқ истиқболли лойиҳаларни ўз ичига олган. Республикада россиялик тадбиркорлар иштирокидаги икки мингдан ортиқ хорижий ва қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган Россия инвестициялари қарийб 10 миллиард долларни ташкил этади. Ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон капитали иштирокидаги 600 дан ортиқ компаниялар рўйхатга олинган.

Минтақалараро алоқаларни кенгайтириш Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда йил сайин муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда имзоланган минтақалараро ҳамкорликка оид ҳукуматлараро битим икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиляпти. Олий даражадаги саммит арафасида 17 ноябрь куни иккинчи “Ўзбекистон — Россия” ҳудудлараро форуми бўлиб ўтди. Маълумки, биринчи форум 2018 йил 19 октябрь куни Тошкентда ташкил этилган эди. Унинг якунлари бўйича минтақалардаги корхоналар ўртасида 136 та инвестиция лойиҳаси бўйича битимлар имзоланган эди.

Ўзбекистон ва Россия ишбилармон доиралари ўртасида янги алоқаларни йўлга қўйиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўзаро бизнес-миссиялар, форумлар, саноат кўргазмалари ва бошқа қўшма тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Иннопром” саноат кўргазмаси якунлари бўйича умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортиқ бўлган 300 дан зиёд шартномалар имзоланди.

> *Россия Ўзбекистоннинг ўзаро савдо бўйича иккинчи йирик ҳамкоридир. 2020 йилда унинг кўрсаткичи қарийб 6 миллиард долларга етди, 2021 йилнинг тўққиз ойида эса пандемия шароитига қарамасдан, ушбу рақам ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 26,2 фоизга (5,1 миллиард доллар) ошди. Яқин ўрта истиқболда мамлакатлар ўзаро савдо кўрсаткичларини 10 миллиард долларга етказишни режалаштирмоқда.*

Маданий-гуманитар йўналишидаги ҳамкорлик ҳам самарали ривожланмоқда. Ушбу алоқалар 2019 — 2021 йилларда маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳасидаги ҳукуматлараро дастур асосида амалга оширилмоқда.

Таълим тизимида Россия университетлари республикамизга фаол жалб этилмоқда. Айниқса, ёшларни қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашишга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбек ёшлари учун онлайн-олимпиадалар ва Россия олий билим юртларига кириш имтиҳонлари мунтазам равишда ўтказилмоқда. Бугунги кунда Россияда 43 мингдан зиёд ўзбекистонлик талабалар таҳсил оляпти ва бу кўрсаткич ўсишда давом этмоқда.

Мамлакатимиз таълим соҳасида Россия олий ўқув юртлари пешқадамлик қилмоқда. Бугунги кунда юртимизда Россиянинг 15 та университети филиаллари фаолияти йўлга қўйилган.

16-17 ноябрь кунлари Москвада иккинчи Россия — Ўзбекистон таълим форуми бўлиб ўтди. Унинг ишида мамлакатлар вазирликлари ва идоралари, Фанлар академиялари президентлари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари қатнашди. Биринчи форум 2018 йил 18 октябрь куни Президент Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида уюштирилган эди. Унда Россиянинг 80 дан ортиқ олий ўқув юрти ва Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этганди. Форум якунлари бўйича 114 та ҳамкорлик шартномаси имзоланган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 34 та олий ўқув юртида Россиянинг 48 та олий ўқув юрти билан қўшма ўқув дастурлари (“икки томонлама дипломлар” дастури) доирасида ёшларга таълим берилмоқда.

Илм-фан, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳалари вакилларининг ўзаро алмашув ташрифлари фаол қўллаб-қувватланмоқда.

2019 йил Самарқандда “Валдай” халқаро мунозаралар клубининг X Осиё конференцияси, 2021 йил Тошкентда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Россиянинг “Валдай” халқаро мунозара клуби ҳамкорлигида “Россия ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг янги тарихий босқичидаги тараққиёт ва хавфсизлик таҳдидлари” мавзуида халқаро конференциянинг ўтказилиши муҳим тадбирлардан бўлди. Ушбу анжуманлар томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истагини, мамлакатларимиз етакчи таҳлил тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг юксак салоҳиятини намойиш этди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 2017 йилдан буён Ўзбекистон ва Россиянинг соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва илм-фан бўйича етакчи ташкилотлари ўртасида нейрохирургия, педиатрия, жарроҳлик, кардиология, онкология каби соҳаларда 30 дан ортиқ шартномалар имзоланган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда рус миллатига мансуб 900 мингга яқин фуқаролар истиқомат қилмоқда. 2000 йилдан бери улардан мингдан зиёди давлат мукофотлари билан тақдирланган. Улар республиканинг замонавий тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ушбу ватандошларимиз орасида спортчилар, олимлар, санъаткорлар, тадбиркорлар ва бошқа соҳа вакиллари бор. Ўз навбатида, юртимизда уларнинг она тили ва маданиятини, маънавий қадриятларини асраб-авайлаш учун барча шарт-шароит яратилган. 804 та мактабда рус тили ўқитилади, барча университетларда ўқиш рус тилида олиб бориладиган факультетлар мавжуд. Ўзбекистонда 38 та православ черкови фаолият олиб бормоқда.

Республикада 19 та вилоят ва шаҳардаги жамоатчилик маданий-маърифий тузилмаларни бирлаштирган Рус маданият маркази ташкил этилган.

2022 йилда Ўзбекистон ва Россия дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги вақт ва умумий таҳдидлар синовидан ўтган стратегик шериклик бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади, деб ишонч билан айтиш мумкин. Дўст халқларнинг равнақи ва фаравонлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий ва маданий тараққиётда янги муваффақиятларга эришиши учун барча зарур шарт-шароитни яратиш Ўзбекистон — Россия муносабатларининг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолади.

**«Дунё» АА.**

# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҲУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА II ФОРУМИ

← 1

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умурзоқов ва Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири М. Решетников жорий йилда икки мамлакат ҳудудлари ўртасида алоқаларни ўрнатиш бўйича бажарилган ишлар ва қўшма лойиҳалар ҳақида маълумот берди.

Бу йил 50 дан ортиқ ўзаро ташрифлар амалга оширилгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари раҳбарлари Россия Федерациясининг 42 та субъектига ташриф буюрди. Ўзаро мулоқотнинг бундай шакли кенг турдаги йўналишлар бўйича ҳамкорлик қилиш юзасидан салоҳиятни ўрганиш ҳамда ҳудудлараро лойиҳалар ва ҳамкорликнинг самарали усули сифатида ўзини оқлади.

Тадбир доирасида алоҳида мавзуларда сессиялар ташкил қилинди ва уларда икки мамлакат ҳудудлари ўртасида иқтисодий, ижтимоий, инфратузилмавий ҳамкорлик бўйича ўзаро алоқаларни жонлантириш, қишлоқ хўжалиги йўналишида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, савдо ҳажмини кўпайтириш, транспорт алоқаларини кенгайтириш ва туризмни ривожлантириш бўйича муҳим мавзулар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ҳудудларининг раҳбарлари яқин ва узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича ўз нуқтаи назарини батафсил баён этди, шунингдек, конструктив ташаббусларни ва истиқболли соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ таклифларни илгари сурди. Қўшма юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича биргаликдаги хатти-ҳаракатларни жонлантириш, икки мамлакат бозорларини харидоргир, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида саноат кооперациясини кенг турдаги тармоқлар ва йўналишларда кенгайтириш, шунингдек, учинчи мамлакатлар бозорларини ўзлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Тадбир доирасида Россия ва Ўзбекистон маъмурий ҳудудларининг раҳбарлари қатор икки томонлама учрашувлар ва музокараларни ўтказди, улар давомида муайян лойиҳалар ва ташаббуслар бўйича келишувларга эришилди.

Форум доирасида ўтказилган ишбилармонлик учрашувлари ва музокаралар давомида қиймати 9 миллиард долларга тенг 600 та икки томонлама битимлар имзоланди. Шундан 141 таси — қиймати 7,4 миллиард долларга тенг инвестициявий лойиҳалар ва 455 таси — қиймати 1,6 миллиард долларга тенг экспорт шартномаларидир. Инвестициявий лойиҳаларга Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Россия Федерациясининг Иқтисодий ривожланиш вазирлиги томонидан биргаликда ташкил қилинган лойиҳа офиси ҳамроҳлик қилади. Айни пайтда икки мамлакат ҳудудларининг маъмуриятлари истиқболли соҳаларда 75 та янги инвестициявий лойиҳани ишлаб чиқишга киришгани маълум қилинди.

Эришилган келишувлар ҳамкорликнинг металлургия, энергетика, кимё, электротехника, тери-пойабзал, тўқимачилик ва фармацевтика саноати, сув хўжалиги, нефть-газ тармоғи ва молия-банк секторини қамраб олди.

**ЎзА.**

## Сенатнинг ялпи мажлиси олдидан

# ҚЎМИТАЛАР ТОМОНИДАН ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Бугун Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Икки кун давом этадиган ялпи мажлис кун тартибига бир қатор қонунлар ҳамда бошқа долзарб масалалар киритилган бўлиб, улар парламент юқори палатаси қўмиталари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

### Интернетда хизмат кўрсатиш турлари ошди

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Провайдерлар кўпайгани сайин интернетда хизмат кўрсатиш турлари ва сифати ҳам ўсаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида айнан шу ҳақда сўз борди.

Хусусан, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг мамлакатимизнинг Интернет тезлиги бўйича халқаро рейтингдаги ўрнини яхшилаш, шунингдек, аҳолининг интернет тармоқлари орқали эркин ва тезкорлик билан ахборот олиш имкониятлари бўйича амалга оширилган ишлар, соҳага оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижроси юзасидан ахбороти эшитилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ҳар бир хонадон ва ижтимоий муассаса мақбул нархда юқори тезликдаги интернетга уланиши зарурлиги ҳақида бир неча бор таъкидлаган эди. Ана шундан келиб чиқиб, интернет тезлигини ошириш юзасидан юртимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш мақсадида вазирлик томонидан ўтган 5 йил мобайнида қатор чора-тадбирлар бажарилган. Масалан, магистраль телекоммуникация тармоғи ўтказувчанлиги вилоятлараро тармоқлар тезлиги 400 Гбит/с, туманлараро эса 40 Гбит/сга етказилган.

Вазирлик томонидан мобиль алоқа тармоқларини ривожлантириш мақсадида жорий йилда 9 мингта база станцияси қурилиб, ишга туширилган, уларнинг умумий сони 40 мингтага, республика аҳоли масканлари мобиль алоқа билан қамрови даражаси 98 фоизга ва мобиль интернет тармоғига кенг полосали уланиш қамрови даражаси 93 фоизга етказилган.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 276 турдаги хизматлар онлайн шаклда кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Мажлисда почта хизматлари яхши йўлга қўйилишига қарамай, чекка ва олис ҳудудлардаги аҳолининг туман ва шаҳарлардаги давлат хизматлари марказларига мурожаатлари сони камаймаганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шулардан келиб чиқиб, иштирокчилар томонидан АКТ фаолиятини янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берилди.

### Гидрометеорологик фаолиятга доир тушунчалар киритилмоқда

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг мажлисида “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги қонунга алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, қонун билан атроф табиий муҳит ифлосланишининг мониторинги, гидрометеорологик ахборот, ҳодисалар, жараёнлар ҳамда гидрометеорология фаолияти каби асосий тушунчалар белгиланмоқда.

Шунингдек, унда гидрометеорологик ахборотни тайёрловчилар ҳамда ундан фойдаланувчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари, гидрометеорология фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби, уни молиялаштириш, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорлик, гидрометеорология фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ва бошқа бир қатор нормалар кўзда тутилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши гидрометеорология фаолияти ва кузатув ўтказиш ҳамда маълумотларга ишлов беришнинг илмий услубларини янада такомиллаштириш, соҳадаги минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, инновацион технологияларни жорий этишга хизмат қилади.

Тадбирда “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди. Ушбу ҳужжат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

### Ҳукуматга парламент сўрови юборилиши маълум қилинди

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида “Оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун давлат раҳбарининг 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Қонун билан “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига тегишли ўзгартиш киритилмоқда. Яъни унда “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази” ўрнига “Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази”ни киритиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Таклиф этилаётган қонун қабул қилиниши зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизлар реабилитациясига оид белгиланган вазифа ва функцияларнинг аниқ ва мақсадли бажарилиши ҳамда ижро интизомини таъминлайди. Қонунларни қўллаш амалиётида ноаниқликлар юзага келиши ҳолатининг олдини олади.

Бундан ташқари, мажлисда хотин-қизлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, меҳнатига муносиб иш ҳақи тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчилар масъулиятини ошириш масалалари енгил саноат ва чармсаноат корхоналарида ўтказилган ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда республика енгил саноат тизимида 7,4 мингдан ортиқ корхоналарда 360 мингдан зиёд фуқаролар ишлайди. Уларнинг 70 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Бу корхоналарда ходимларни бепул озиқ-овқат билан таъминлаш, талаб даражасидаги меҳнат шароитлари яратишга алоҳида аҳамият қаратилган.

Шундай бўлса-да, енгил саноат ва чармсаноат тизими корхоналарида иш берувчилар томонидан хотин-қизлар учун қулай, хавфсиз меҳнат шароитларини яратишда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бузилишига йўл қўйиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Меҳнат кодекси талабларига зид равишда корхонада иш берувчи ва ходимлар ўртасида жамоа шартномаси тузилмаган. Яна қатор камчиликлар кузатилган.

Мажлисда, шулардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборилиши маълум қилинди.

### Интеллектуал мулк соҳаси такомиллаштирилади

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун билан “Кооперация тўғрисида”ги, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Адвокатура тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги, “Фирма номлари тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани алоҳида қайд этилди.

Бир қанча хизматлар, жумладан, кооперативлар уставини рўйхатдан ўтказиш, юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олиш, адвокатлик бюролари, фирма ва ҳайъатларини рўйхатдан ўтказишни автоматлаштириш эндиликда давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда. Интеллектуал мулк соҳасини такомиллаштириш бўйича яна қатор нормалар киритилмоқда.

Муҳокама жараёнида қонунда кўзда тутилган нормалар интеллектуал мулк соҳасида муносабатларни тартибга солиш, маҳаллий инновацион фаолият билан шуғулланувчи компаниялар ҳамда хорижий компаниялар манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда ҳомиладор ва репродуктив ёшдаги аёллар ҳамда гўдакларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масаласига эътибор қаратилди.

Мажлисда қўмитанинг 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган давридаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

*Қўмиталар йиғилишларида барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# ОДАМ САВДОСИГА ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

1 Қайд этилганидек, шу йилнинг ўтган даври мобайнида мажбурий меҳнат, болалар меҳнатига барҳам бериш ҳамда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида бу борадаги қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳамда қонунчилик базасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

Хусусан, 14 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат — 2 та қонун, давлат раҳбарининг 2 та Фармони ва 4 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори қабул қилиниб амалиётга татбиқ этилмоқда. Айни чоғда вояга етмаганлардан шаҳвоний мақсадда фойдаланиш, уларни ғайриқонуний жамоат бирлашмалари фаолиятида қатнашишга ундаш, мажбурий меҳнатга жалб этиш учун жиноий жавобгарлик белгилаш масалаларини кўзда тутувчи қонун қабул қилинди.

Шу билан бирга, фарзанд асраб олиш тартибларини соддалаштиришга қаратилган ҳужжат имзоланди. Унга кўра, ижтимоий аҳамияти катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган ва жазо муддатини ўтаганларга ҳам фарзанд асраб олишга рухсат берилди.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашишда давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатлари билан манзилли ишлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида маълумот берилди.

Мазкур йўналишдаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш ва амалиётни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Иштирокчилар томонидан одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш борасида ижобий натижаларга эришилишига қарамасдан, жойлардаги айрим раҳбарлар масъулиятсизлиги ва эътиборсизлиги сабабли ҳали ҳам айрим муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Йиғилиш доирасида АҚШ Меҳнат вазирлиги томонидан жорий йилда эълон қилинган "Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида"ги йиллик ҳисобот ҳамда унда Ўзбекистон эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар юзасидан билдирилган тавсиялар муҳокама қилиниб, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳаси кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Ўз навбатида, амалга оширилаётган ишлар бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбарлари, шунингдек, ҳудудий комиссиялар раисларининг ахборотлари эшитилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Миллий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# 2022 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ПРОГНОЗИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча қўмиталарнинг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда қўмита аъзолари "2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқди.*

## Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Йиғилишларда Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутасадди раҳбарлари қатнашди.

Ҳар бир қўмита ўзининг йўналишидан келиб чиқиб, соҳаларда ажратилаётган маблағларни муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси кейинги йилда иқтисодий ўсиш даражаси 6 фоиз, инфляция даражаси 9 фоиз, консолидациялашган бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиз миқдорида, шунингдек, янгидан имзоланадиган давлат ташқи қарзи юқори чегараси 4,5 миллиард доллар миқдорида прогноз қилинган ҳолда ишлаб чиқилди. 2022 йил учун Давлат бюджети даромадлари 200 триллион сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23,8 фоиз миқдорида прогноз қилинмоқда.

Келгуси йил учун бюджет прогнозлари Давлат бюджети тақчиллигини 3 фоиздан оширмаслик, давлат қарзини мўътадил даражада сақлаб туриш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқлардан келиб чиқиб шакллантирилди. Яъни Давлат бюджети даромадларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун Давлат бюджети харажатлари 214,8 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25,6 фоиз миқдорида белгиланмоқда.

Давлат бюджетидан 2022 йилда иқтисодиётга ажратилиши режалаштирилаётган харажатлар 24,3 триллион сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,9 фоиз, жами харажатларнинг эса 11,3 фоизини ташкил қилади.

Қайд этилганидек, ижтимоий соҳа харажатларининг қарийб 45 фоизи таълим соҳасига йўналтирилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларига ҳамма тадбирларни ва тарбияланувчилар сони ошганлигини инобатга олган ҳолда 8,6 триллион сўм, халқ таълимига 30,8 триллион сўм, ўрта махсус ва олий таълимга 7,5 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, олис ва чекка ҳудудларда 1 минг 600 та боғча ташкил этиш учун 1,5 триллион сўм субсидия ва компенсация ажратилиши, мактабларда таълим сифатини ошириш ҳамда ўқувчилар учун янги авлод дарсликларини ишлаб чиқиш ва чоп этиш учун Халқ таълими вазирлигининг Китоб жамғармасига 605 миллиард сўм, мактабларни тезкор ва сифатли интернет тармоғи билан таъминлаш ишларини кейинги йилда якунига етказиш учун 152 миллиард сўм ажратиш кўзда тутиляпти.

Йиғилишда келтирилганидек, 2022 йилда Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига 24,0 триллион сўм маблағ ёки 2021 йилда тасдиқланган режага нисбатан 3,5 триллион сўм ёки 17 фоиз кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилиниб, молиялаштиришнинг янги механизми асосида уларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизими жорий этилади. Яъни республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда бошқа давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларнинг бепул даволаниш (тиббий йўлланма) харажатлари учун 589,0 миллиард сўмдан зиёд маблағ кўзда тутилиб, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ва тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ беморларнинг даволаниш харажатлари тўлиқ қопланади.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг қарорига мувофиқ 2022 йилда 260 минг гектар қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларида сув тежовчи технологияларни жорий этиш белгиланган бўлиб, мазкур тадбирларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар беришга Давлат бюджетидан 1,2 триллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда янги ташкил этилган Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимини сақлаш харажатларига 146 миллиард сўм, мазкур агентлик томонидан амалга ошириладиган заркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда ҳолатларда ҳосилни сақлаб қолиш тадбирларига 50 миллиард сўм ажратиш белгиланмоқда.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган муҳокамаларда қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси депутатлар томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Солиқ тўловчилар ўзлари тўлаётган солиқлардан қилинадиган харажатларни ёки уларнинг тақсимланишида бевосита иштирок этиш амалиёти кенгаймоқда. Жумладан, республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини, шунингдек, туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтирилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида макроиқтисодий сиёсатнинг 2022 йил учун асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари келгуси йилда ҳам макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга, фискал рағбатлантириш чораларини мўътадиллаштириб боришга қаратилгани юқори баҳоланди.

Йиғилишларда ҳар бир вазирлик ва идорага 2022 йилда ажратиш таклиф этилаётган бюджет маблағлари уларга юклатилган вазифалар, хусусан, давлат дастурлари ҳамда тармоқ дастурларининг ўз вақтида тўлиқ ижросини таъминлаш ҳамда самарали фаолият юритиши учун етарлилик масаласига қуйи палата қўмиталари эътибор қаратди.

Муҳокамалар давомида бюджет харажатлари очиқ-ошкора бўлиши, давлат идоралари, ҳудудлар унинг ҳар бир сўмини оқилона, тизимли равишда сарфлаши зарурлиги таъкидланиб, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛМОҚДА

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун кенг имкониятлар яратилган. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиб борилаётгани, турли тўсиқлар бартараф этилаётгани туфайли бугун ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли банд бўлса, бунда, айниқса, ёшларнинг салмоғи юқори.*

Тадбиркорларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, табиийки, ўз бизнесини ташкил этиш ниятидагилар сонининг ортишига сабаб бўлаётир. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар, соҳа вакиллари учун яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар натижасида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатдош маҳсулотлар ички ва ташқи бозордан мустаҳкам жой эгалламоқда.

Сир эмаски, коронавирус пандемияси дунёда бўлгани каби, мамлакатимиз иқтисодиётини ҳам четлаб ўтмади. Лекин соҳа ривожи учун амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолинаётир. Бунга эса тадбиркорларга берилаётган кенг имкониятлар туфайли эришиляпти.

Хусусан, айрим тоғли ва ерлари шўрланган, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш имкониятлари бир оз чекланган ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида айрим солиқлардан имтиёзлар тақдим этиш орқали тадбиркорларга берилаётган енгилликлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Сурхондарё вилоятининг тоғли ва ерлари шўрланган ҳудудларида янгидан йўлга қўйиладиган тадбиркорлик субъектларига 2024 йил 1 январга қадар юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, айланмадан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларини тўлашдан озод этилиши назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хорижий инвесторларни янада жалб этишга, тадбиркорлик муҳити жозибадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Парламент назорати

# ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Олий ўқув юртларининг илмий ва педагогик салоҳияти, моддий-техника базаси такомиллашди. Бу борада 2020 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий моделини яратишда муҳим омил бўлмоқда.*

Мазкур Қонуннинг "Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик" деб номланувчи 10-бобида республикадаги таълим ташкилотлари халқаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари алоҳида белгилаб қўйилган.

Эътироф этиш жоиз, кейинги йилларда ушбу соҳада қатор ижобий ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, юртимиз ва хорижий олий таълим муассасалари (ОТМ) ўртасидаги алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Охирги беш йилда республикада 22 та хорижий ОТМнинг филиаллари ташкил этилиб, уларнинг сони 29 тага етди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хориждаги ОТМ билан қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилган бўлиб, улар доирасида охирги тўрт йилда 4 минг 164 нафар хорижий мутахассис ўқув жараёнига жалб қилинганлиги, 2020 йилда 58 та ОТМда қабул кўрсаткичлари 8 минг 124 тага етказилганлиги эътиборга моликдир.

Айни чоғда олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳали ўз ечимини кутаётган қатор масалалар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, халқаро жамғармалар, ташкилотлар томонидан эълон қилинаётган якка тартибдаги ва қўшма лойиҳаларда олий таълим тизимида ишлаётган профессор-ўқитувчилар ва олимларнинг муносиб иштирокини таъминлаш; хорижий ОТМ билан имзоланган шартномаларга мувофиқ, келгусида бакалавр ва магистрантларни тайёрлаш ишларини янада кенгайтириш ҳамда уларда таълим сифатини ошириш, республикамиз олий таълим муассасаларидаги халқаро алоқалар бўлимлари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш каби масалалар олдимизда турган устувор вазифалар ҳисобланади.

Пандемия туфайли 2020-2021 йилларда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликда кўплаб мураккаб вазиятлар юзага келганлиги барчага маълум. Шундай экан, келгусида асосий эътиборни халқаро ҳамкорликдаги муаммоларни бартараф этишга, режаларни қайта кўриб чиқиб, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мажлисда Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ташаббуси билан олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Тошқуловга "Олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қуйи палатанинг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ ТИЗИМИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

*Олий Мажлис Сенати томонидан UNICEF билан ҳамкорликда ота-она қарамоғидан маҳрум ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиш хавфи остида қолган болаларнинг ҳозирги ҳолати, юртимизда уларга ғамхўрлик кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги режалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.*

## Давра суҳбати

Маълумотларга кўра, 2018 йилда 26 минг 532 нафар бола турли шаклдаги интернат муассасаларида истиқомат қилган, уларнинг кўплари ногиронлиги бўлган болалардир. Интернат муассасаларида яшовчи болалар сони ҳар 100 минг болага 255 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич минтақавий ўртача кўрсаткичдан паст, лекин ҳар 100 минг болага 120 бола тўғри келадиган глобал кўрсаткичдан юқори.

Йиғилишда сўзга чиққан UNICEF ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси директори Афшан Хон ҳукуматни Ўзбекистонда болаларни деинститутализациялаш бўйича олган мажбурияти билан қутлар экан, ислоҳотлар жараёнининг самарали бўлиши учун болалар, жумладан, ногиронлиги бўлган болалар ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларни қамраб оладиган йирик муассасаларни босқичма-босқич ёпишни давом эттириш ғоят муҳим эканлигини билдирди.

"Заиф болалар уларни қўллаб-қувватлайдиган турли хизматлар, жумладан, жамоатчилик асосидаги ижтимоий хизматлардан фойдалана олишлари учун имкониятларни таъминлаш муҳим деб ҳисоблайман", дея таъкидлади у.

Давра суҳбатида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда Миллий гвардиянинг масъул ходимлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари деинституттализация бўйича олдинга қадам ташлаш йўллари, жумладан, мувофиқлаштиришни кучайтириш, ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш, тегишли мутахассислар салоҳиятини ошириш ҳамда заиф болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш учун ҳамжамиятга асосланган хизматларни ташкил этиш масалаларини кенг муҳокама қилдилар.

Сенатнинг Ёшлар ишлари, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Д. Тошмуҳамедова Ўзбекистонда деинституттализация бўйича қатъий сиёсатни шакллантириш борасида муваффақиятга эришилгани ва бу йўналишдаги чора-тадбирлар режасини амалга ошириш юзасидан муҳим қадамлар қўйилаётганини таъкидлади.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**



# СИФАТЛИ КЕРАМИКА МАҲСУЛОТЛАРИ

## хориж бозорларида ҳам ўз ўрнини топмоқда

*Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қурилиш-бунёдкорлик ишларидан кўзланган пировард мақсад — ҳаётимизни ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий шарт-шароит яратиш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш. Табиийки, замонавий тураржойлар, ижтимоий, ишлаб чиқариш иншоотлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши кўламининг йилдан-йилга кенгайиши натижасида қурилиш материалларига эҳтиёж ортаётир. Қурилиш бозори талабини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлар юқори самарали замонавий технологияларга асосланган янги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.*

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Ўз навбатида, юртимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган янги лойиҳалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Таҳлилларга кўра, январь — октябрь ойларида юртимиздаги мавжуд саноат корхоналарида жами 24 миллион 221 минг квадрат метр керамик плиткалар ишлаб чиқарилган. Шундан 14 миллион 224 минг квадрат метр маҳсулот "Ўзсаноатқурлишматериаллари" уюшмасига аъзо корхоналарга тегишлидир. Энг кўп маҳсулот — 5 миллион 564 минг квадрат метр керамика Фарғона вилоятидаги "Moderna Ceramic Industries Ferghana" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган бўлса, кейинги ўринларни Сирдарё вилоятидаги "Sirdarya Ceramic Production" ҳамда Самарқанд вилоятидаги "Prime ceramics" корхонаси банд этди. Икки корхонада мос равишда 3,6 миллион ва 2,9 миллион квадрат метр керамика маҳсулотлари мижозларга етказиб берилган.

Шунингдек, "National Caramics", "Great wall ceramic industries", "Orient-ceramic", "Premium elegant ceramics", "Lyux Granit", "Нодир Керамикс", "Peng Sheng", "Флэт Тайл" каби корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар ҳам харидорлар орасида анча машҳур.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, январь — сентябрь ойларида корхоналар томонидан 43 миллион долларлик керамик плиткалар экспорт қилинган. Бу борада "Prime ceramics", "Orient-ceramic" ва "Moderna Ceramic Industries Ferghana" МЧЖлар кўрсаткичлари юқори. Миллий маҳсулотларимизнинг энг кўп харидори Қозоғистон Республикаси ҳисобланади.

"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан пойтахтимиздаги "Orient-ceramic" масъулияти чекланган жамиятига ташкил этилган пресс-турда шу хусусда маълумот берилиши баробарида, оммавий ахборот воситалари вакиллари корхона фаолияти билан яқиндан танишди.



Чилонзор туманидаги саноат зонасида 3,6 гектар ҳудудда жойлашган корхона 2019 йил июль ойида ўз фаолиятини бошлаган. Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 14 миллион доллар бўлиб, йилига 3 миллион квадрат метр керамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Бугунги кунда "Orient-ceramic" масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари юқори сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда. Аҳамиятлиси, бу маҳсулотлар деярли 100 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланади. Шу боис корхона кафеллари ички бозорга хорижникидан бир неча баробар арзон нархларда чиқарилмоқда. Айни пайтда унинг 30 фоиздан ортиғи Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, бир ҳолат, яъни ишлаб чиқариш жараёнига деярли инсон аралашмаслиги диққатимизни тортди. Барча иш авоматлаштирилган тизим орқали бошқарилади. Катта дастгоҳ ёки линияни бир-икки киши назорат қилади, холос.

— Бундан ташқари, бизда иш бир зум ҳам тўхтаб қолмаслиги керак, — дейди цех бошлиғи Азиз Эшонхўжаев. — Чунки ишни вақтинча тўхтатиб, қайтадан бошлаш катта харажат ва меҳнатни талаб этади. Бирор носозлик кузатилса, захирадаги имкониятдан фойдаланамиз. Шу аснода кунига 10 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаришни уддалаймиз.

Қайд этганимиздек, ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳаллий керамик плиткалари дунёда ўз ўрнига эга. Боиси ушбу маҳсулотларга нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорида ҳам талаб ўсиб бормоқда. Жамият директори ўринбосари Азиз Жилоновнинг айтишича, бу омил уларни янада изланишга чорламоқда. Шу боис келгуси йилда Сергели туманида янги лойиҳа амалга оширилади. Бунинг учун хориждан технологиялар келтириб қўйилган, монтаж ишларига баҳор фаслида киришилади. Шунда корхонада керамик гранит ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу қўшимча даромад ва янги иш ўринлари яратилади, деганидир.

Пресс-тур давомида бу каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ҳисса бўлиб қўшилиши, ҳудудларимизнинг янада обод, гўзал ҳамда замонавий тус олишига хизмат қилиши таъкидланди. Журналистлар саволларига жавоб қайтарилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).**

Абдумуталиб ТОЙИРОВ олган суратлар.

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)нинг Комплекс молиялаштириш стратегиясига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури мамлакатда режалаштириш жараёнларини кучайтириш ҳамда барқарор ривожланишни молиялаштириш соҳасида мавжуд тўсиқларни енгиш мақсадида БРМнинг Комплекс молиялаштириш стратегиясини ишлаб чиқмоқда. У БРМга эришишни тезлаштириш учун молиявий оқимларни тўғри тақсимлашда ҳукуматга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган.

● **"Ўзбекипаксаноат" уюшмасида Покистон давлатининг хом ипак импорти билан шуғулланадиган "Namal international" компанияси раҳбари Ражаб Ҳусаин билан учрашув бўлиб ўтди. Ипакчилик соҳасида кластер, яъни ипак қурти учун зарур озуқа манбаси бўлган тутзорлардан тортиб, пиллани қайта ишлаш корхоналарида ипак ишлаб чиқариш, ундан тайёр маҳсулот олишгача жараён Ўзбекистонда узвий занжир асосида йўлга қўйилгани хорижий инвесторларни ўзига жалб қилмоқда.**

● Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида Давлат хизматлари маркази янги, замонавий технологиялар билан жиҳозланган бинода ўз фаолиятини бошлади. Бу мазкур вилоятдаги ўн биринчи ана шундай марказ ҳисобланади.

● **Навоий шаҳрида 23 — 25 ноябрь кунлари "Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади. Шоир номи билан аталувчи шаҳарда бундай йирик анжуманнинг уюштирилиши буюк сўз санъаткорига бўлган чексиз эҳтиром ифодасидир.**

"Халқ сўзи" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Мангу ҳилпираб тур, ҒУРУР ТИМСОЛИ!

**Акбар ЖЎРАЕВ,**
**Токио шаҳрида ўтказилган XXXII ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби:**

— Байроқ спортчига маънавий куч ва баланд руҳ бағишлайди, ғалабаларга ундайди. Ахир унинг халқаро майдонлардаги муваффақияти шарафига Ватани номи янграб, байроғи кўтарилишини қайси спортчи орзу қилмайди?!

Токио Олимпиадаси. Мусобақа якунида давлатимиз мадҳияси янгради, баландда мамлакатимизнинг куч-қудрати, мустақиллигимизнинг жаҳонаро ифодаси, халқимиз ғурури ва ифтихори тимсоли ўлароқ ҳилпираётган байроғимизга нигоҳим тушди, кўнглимни ҳаяжон эгаллаб, севинч ёшларимни тия олмадим... Шу ҳаяжонли дамда бу кўзёшни на яширишнинг, на тўхтатишнинг иложи бор. Тўғриси, бу туйғуни сўз билан ифодалаш қийин. Айнан ўша сонияларда вужудимда уйғонган бир куч, шижоат мени яна янги марралар сари ундади, кўпроқ меҳнат қилиш, маҳоратимни оширишга чорлади.

Биз, спортчилар байроғимиз тимсолида дунёнинг ҳар қайси нуқтасида Ўзбекистон деган ҳимоячимиз, суянчимиз борлигини ҳис қилиб турамиз.

Биз фақат олға қадам босар эканмиз, барчамиз учун фахр ва ғурур тимсоли бўлган байроғимиз жаҳон ареналарида баланд ҳилпирайверади.

**Собиржон АМАНОВ,**
**Янги Ўзбекистон университети талабаси, 53-халқаро кимё олимпиадаси ғолиби:**

— Ўзга бир давлатга ўз мамлакати шаънини ҳимоя қилиш учун отланган кишининг елкасида жонажон юртининг, халқининг ишончи — чўнг юки бўлади. Бу юкдан қачон кутулиш мумкин? Албатта, ғолибликка эришилганда!

Инсон, айниқса, бегона давлатда бўлиб ўтаётган беллашувларда унга руҳ ва куч бағишлайдиган нимагадир эҳтиёж сезади. Кимдир яқинларидан, кимдир дўстларидан, яна кимдир бошқа нарсадан куч олади. Аммо Ватан байроғи ҳамма учун бир хил ифтихор ва маънавий қувват манбаидир.

Ҳар гал мусобақада қатнашиш учун хорижга йўл олар эканман, кўз олдимда миллий туғимиз гавдаланади. "Мамлакатимиз байроғи остида мусобақага кирарканман, демак, уни баландга кўтариш бурчим", дея ўзимга ўзим ваъда бераман. Билимлар беллашувида толиқсам ёки бирор саволга жавоб топишга қийналсам, кўз олдимда байроғимиз ғолиб давлатлар рамзлари қаторида турганн гавдаланади. Ана шундан қувват оламан, аниқроқ айтганда, бу куч мағлуб бўлишга йўл қўймайди.

Шубҳасиз, жонажон юртимиз байроғи дунёдаги энг чиройли ва кўркам байроқлардан биридир. У бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва асло кам бўлмаслигимизни ўзида ифода этади.

**«Халқ сўзи».**

# БОЙ ТАРИХИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ОЗОДЛИК ВА ТИНЧЛИК РАМЗИ

*Мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари, нуфузли халқаро тузилмалар қароргоҳлари олдида Ватанимиз байроғи мағрур ҳилпираб турибди, мамлакатимиз вакилларининг сиёсат, иқтисодиёт, маданият, спорт ва бошқа соҳалардаги халқаро тадбирларда иштирокини ифодаламоқда.*

*Давлат байроғи хорижда таълим олаётган, меҳнат қилаётган, яшаётган ёки вақтинча бўлиб турган юртдошларимизга ҳам улкан маънавий кўмак ва мадад беради. Бугунги байрам муносабати билан улардан айримлари ўз табрикларини йўллади.*

**Нодирбек СУЛТОНМУРОДОВ,**
**Вистула академияси талабаси (Польша):**

— Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан юртдошларимизни Польша давлатида таҳсил олаётган ўзбек талабалари номидан самимий муборакбод этаман.

Давлатимиз байроғи чуқур маъно-мазмун ва тарихий қадриятларимизнинг тимсоли ҳисобланади. Мана 30 йил давомида байроғимиз юртимизда ҳамда дунёнинг етакчи ташкилотлари пештоқлари, нуфузли минбарлар, йирик спорт мусобақаларида озодлик ва ҳурлик ифодаси янглиғ ҳилпираб турибди. Давлат байроғи барча фуқароларнинг қаерда бўлишидан қатъи назар, уларнинг бирлиги, Ватанимизда ҳар бир инсоннинг қадри ва жамиятда тутган ўрни муҳимлигини ифодалайди.

**Бахтиёр КАРИМОВ,**
**«Rajabhat Valaya Alongkon University Demonstration School» менежери ва катта ўқитувчиси (Таиланд):**

— Юртдошларимизни ва хориждаги ватандошларимизни давлат байроғи қабул қилинган кун билан самимий муборакбод этаман.

Миллий байроғимиз Таиланд ҳудудида Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, Бангкокдаги дипломатик муассасамиз пештоқида ҳилпираб туради. Қиролликдаги турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз вакиллари қатнашадиган халқаро миқёсдаги тадбирларда ва спорт мусобақаларида миллий байроғимиз баланд кўтарилган лаҳзада чексиз ҳаяжонни туямиз. Давлат байроғи биз ватандошларимизни бирлаштиради, озод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга ишонч бағишлаб туради.

**Жаҳонгир ДЎСТОВ,**
**«Limkokwing» университети талабаси (Малайзия):**

— Ватандан олис бўлганим сабабли, ҳар сафар Ўзбекистон байроғини кўрганимда қалбим ўзгача соғинч туйғусига тўлади. Хорижий мусобақаларда спортчиларимиз эришган ғалабалари шарафига байроғимиз кўтарилганда эса янада фахрланиб кетаман.

Байроғимиз Ватанимизнинг бой тарихи тимсоли сифатида кўзга ташланиб туради. Байроқда ҳар бир ранг ўзига хос маънони англатиб, ўзқ тарихимиз, миллий бойликларимиз ва тинчлик рамзини билдириб туради.

30 йил аввал янги тарих йўлига чиққан бўлсак, бугунги кунда ҳар бир соҳада юксалиш сари жадал қадам ташламоқдамиз, қисқа вақтда улкан ютуқларга эришдик.

Бугунги кун билан ватандошларимизни чин юракдан табриклайман. Мамлакатимиз доимо тинч, барқарор ва дунёдаги етакчи давлатлар қаторида бўлишига ишонамиз.

**Маҳзуна ЮНУСОВА,**
**Франция ижтимоий фанлар Олий мактаби магистранти:**

— Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун биз учун қадрли ва муҳим санадир. Мен ҳар доим Париж кўчаларида Ўзбекистон байроғининг ҳилпираб турганини кўрсам, бутун вужудим қувонч ва шодликка тўлади, ғурур ва фахр ҳамда ифтихор ҳиссини туяман.

Байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳилпираб турар экан, бу унинг аъзоларига Ўзбекистон номли давлат, у мустақил ва озод ҳамда ким эканлигимиз ҳақида "сўзлаб" беради. Шуни таъкидлашим истар эдимки, мен учун байроқ нондек муқаддас ва азиздир.

2017 йилдан буён Парижда фаолият юритиб келаётган "Ўзбек клуби" ассоциацияси. Ушбу клуб доирасида қатор тадбирларни уюштириб келмоқдамиз. Ҳеч бир тадбиримиз мамлакатимиз байроғисиз ўтмаган ва биз бундан фахрланамиз.

Барчангизни ушбу қутлуғ сана билан чин юракдан табриклайман. Айниқса, чет элларда бўлиб турган барча ватандошларимизни байроғимиз қадрини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишга чақириб қоламан.

**Лола МУҲАММАДИЕВА,**
**Барселона шаҳрида яшаётган ватандош (Испания):**

— 2007 йилдан бери Барселона шаҳрида оила аъзоларим билан бирга яшаб келяпмиз. Она юртдан олисда бўлсак-да, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб борамиз.

Ўзбекистон давлат байроғи — мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланиб, ўзида миллий-маданий анъаналаримизни, халқимизнинг асрий орзу-истакларини, ғайрати ва шижоатини, ўзимизга хос меҳмондўстликни мужассам этган.

Оила аъзоларим номидан Ўзбекистон халқини ва хориждаги ватандошларимизни ушбу сана муносабати билан чин дилдан табриклайман. Байроғимиз доимо дунёнинг энг юқори нуқталарида озод ҳилпираб турсин!

**«Дунё» АА.**

# САМАРҚАНДДА «ИТАЛИЯ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ» ИККИНЧИ ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТАДИ

*8 декабрь куни Самарқандда "Италия — Марказий Осиё" иккинчи вазирлар учрашуви бўлиб ўтади.*

## «Халқ сўзи» учун махсус

Тадбир арафасида Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик бўйича давлат котиби Манлио Ди Стефано ўз мамлакатининг Марказий Осиё билан мустаҳкам ҳамда узоқ муддатли "кўприк қуриш" истагини маълум қилди. Шу билан бирга, бўлажак вазирлар учрашуви минтақавий мулоқотни фаоллаштиришга амалий туртки бериш, Италия ва Марказий Осиё ўртасида сиёсий, иқтисодий ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида, шунингдек, илмий-академик шериклик йўналишидаги муносабатларнинг янги қирраларини ривожлантиришга қаратилган.

"Марказий Осиёнинг бугунги халқаро стратегик сценарий ва истиқболдаги ўзаро боғлиқликдаги аҳамияти ҳақида ҳаммамиз яхши биламиз. Чунки бу минтақа Европа ҳамда Шарқий Осиё, Россия ва Ҳинд океани ўртасидаги континентал чорраҳадир, — деди Италия давлат котиби 5 ноябрь куни бўлиб ўтган "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" биринчи иқтисодий форуми иштирокчиларига йўллаган видеомурожаатида. — Италия 2019 йилда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси қабул қилинишига фаол ҳисса қўшди, ўзаро имкониятларни кенгайтириш, умумий қоидалар ва янада интеграциялашган минтақавий бозорга ўтиш, иқлим ўзгариши ҳамда терроризм каби умумий муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш орқали алоқаларни мустаҳкамлашни истайди".

Манлио Ди Стефанонинг сўзларига кўра, ЕИ Марказий Осиё билан 2014 — 2020 йилларда ҳамкорликни ривожлантириш учун 1,1 миллиард евро, шу жумладан, барқарор тараққиёт ва минтақавий хавфсизлик соҳаларида алоқаларни рағбатлантиришга қаратилган минтақавий дастурлар учун 454 миллион евродан ортиқ маблағ ажратган.

"Италия Европа ҳамда Марказий Осиё ўртасида кучли ва узоқ муддатли кўприк қуришга интилмоқда. Шу сабабли "1+5" форматидаги "Италия — Марказий Осиё" иккинчи вазирлар учрашуви ташкил этилмоқда", деди давлат котиби Манлио Ди Стефано.

Эслатиб ўтамиз, "Италия — Марказий Осиё" форматидаги биринчи вазирлар учрашуви 2019 йилда Римда бўлиб ўтган эди.

**«Дунё» АА.**
Рим

# БИР БОР ЭКАСИЗ ВА 50 ЙИЛ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛАСИЗ

*Юртимизда тиббиёт ва озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган доривор ўсимликларни илмий асосда етиштириш ва қайта ишлаш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.*

## Изланиш

Ҳар бир ҳудудда бундай ўсимликларни тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда парваришлаш заруратидан келиб чиқиб, илмий изланишлар олиб бораётган мутахассислар таклифи билан Қорақалпоғистон Республикасида илк бор лаванда ўсимлиги экилди.

— Сўнгги йилларда бутун мамлакатимиз бўйлаб ўрмон фонди ерларида доривор ўсимликларни кўпайтириш кенг йўлга қўйилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси раиси ўринбосари Ернияз Акимниязов. — Мана, бу йил заминимизда илк бор лаванда ўсимлиги экилди. Бунинг учун тажриба-синов тариқасида Хўжайли туманидаги ўрмон хўжалигининг 4 гектар майдони танлаб олинди. Бу ўсимлик кўчатлари Фарғона вилоятидаги "Меҳригиё" корхонасидан олиб келинди. Натижа чакки эмас, дастлабки ҳосил йиғиб олишга тайёр. Келгусида бошқа ҳудудларда ҳам плантациялар барпо этишни режалаштиряпмиз.

Аёнки, шифобахш ўсимликларнинг бир йиллик ва кўп йиллик турлари мавжуд. Оролбўйида экилган лаванда доривор ўсимлигини эса бир марта экиб, 50 йилгача ҳосил олиш мумкин экан.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда илк бора 1973 йили Тошкент вилоятида доривор ўсимликлар экила бошланган. Кейинчалик 1978 йилда Наманган вилоятининг Поп туманида доривор ўсимликлар етиштириладиган хўжалик ташкил қилинган. Бугунги кунда Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида доривор ўсимликлар парваришланадиган махсус хўжаликлар бор. Эндиликда Оролбўйида ҳам лаванда доривор ўсимлиги плантациялари барпо этилиши мамлакатимизда доривор ўсимликлар хом ашёсини маҳаллий шароитда етиштириш, фармацевтика саноати эҳтиёжини таъминлаш ва озиқ-овқат зиравори сифатида экспорт қилиш имкониятларини кенгайтиради.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# БЕНАЗИР КИНО САНЪАТИМИЗ ЯНГИ УФҚЛАРГА КЎТАРИЛАДИ



*Кино инсон тафаккурини, дидни ва дунёқарашини, маънавий оламини бойитувчи ноёб санъат. Томошабин ушбу санъат "мўъжизаси"да маълум муддат янги бир дунёда яшайди, қаҳрамонлар тимсолида орзу-армонлари рўёбини кўради. Олдига эзгу мақсадлар қўйиб, янги марралар сари интилиш учун маънавий куч, баланд руҳ олади. Шу жиҳатдан кино санъатининг имкониятлари беқиёс.*

*Президентимиз таъбири билан айтганда, агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни, биринчи навбатда, кино санъати орқали амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин.*

*Бугунги кунда Ўзбекистон Кинематография агентлиги ана шу эзгу йўлда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Ижодкорларимиз томонидан умуминсоний ғояларни тараннум этувчи, бадиий юксак асарлар яратиляпти. Олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ, ўзбекистонлик киноусталар томонидан тасвирга олинган фильмлар халқаро кинофестивалларда, форумларда эътироф этилиб, нуфузли мукофотларга лойиқ кўрилмоқда. Бунга шу йилнинг 8 — 12 ноябрь кунлари Туркияда "Коркут ата" туркий тилли давлатлар халқаро кинофестивалида ижодкорларимиз эришган муваффақият яққол мисол бўла олади.*

*Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс АБДУҲОЛИҚОВ Туркия сафари таассуротлари, бугунги кино санъатимизнинг ўзига хослиги, уни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, соҳадаги сўнгги янгиликлар ҳақида эксклюзив интервью берди.*

## Эксклюзив интервью

**— Аввало, сафар таассуротлари билан ўртоқлашсангиз...**

— Туркияда бўлиб ўтган фестиваль бизни нафақат ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқаришга, балки қардошларимиз билан дўстлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига замин яратди. Ушбу ижодий сафар барчамизда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, хорижий ҳамкасблар билан ижодий суҳбатлар, қизғин баҳс-мунозаралар, фикр алмашинувлар киноижодкорларимизни мамнун этиш билан бирга уларнинг тафаккурини янада бойитди, билимини юксалтирди, десак, хато эмас. Ушбу сафар келгусида ҳамкасбларимизни янги ижодий ташаббусларга ундайди, деган умиддаман.

Кинофестиваль давомида Туркиянинг йирик компаниялари билан ҳамкорлик меморандумларини имзоладик. Бу ҳамкорлик асосида кўплаб янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш истагидамиз.

Фестиваль дастурида ўзбекистонлик киноижодкорлар томонидан "Ўзбек киноси куни" ташкил этилди. Кечада ўзбек миллий куй-қўшиқлари янгради, рақслар намойиш этилди. Қисқа айтганда, маданий тадбир байрам тантанасига айланиб кетди. Бу, албатта, тадбирга йиғилган меҳмонларга кўтаринки кайфият бағишлади.

**— Фестивалда Рашид Маликовнинг "Тутқунлик" фильми ҳайъат аъзоларининг махсус мукофоти билан тақдирланди, Али Ҳамроевнинг "Халқ жасорати" фильми эса ҳужжатли кино йўналишида иккинчи ўринни қўлга киритди. Сизнингча, ушбу кинокартиналарнинг муваффақияти қайси омиллар билан боғлиқ?**

— Халқаро кинофестивалда Кинематография агентлиги буюртмасига биноан суратга олинган фильмларнинг нуфузли мукофотларга сазовор бўлгани бу барчамизнинг ютуғимиз бўлди. Иккала асар ҳам ҳакамлар ҳайъатида, аввало, гуманистик ғояларни илгари сургани, инсон қадри муқаддаслиги юксак бадиий пафосда тараннум қилингани билан катта таассурот қолдирди, деб ўйлайман. Бинобарин, ушбу кинокартиналарнинг бирида Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган "Меҳр" операцияси мазмун-моҳияти ва ҳаётбахш аҳамияти очиб берилган бўлса, "Халқ жасорати" фильмида Иккинчи жаҳон урушида халқимизнинг мардонавор жасорати, энг оғир дамларда ҳам ўзлигига, инсон шаъни ва қадр-қимматига хиёнат қилмагани ўз ифодасини топган.

*Шу йилнинг ўзида ўзбек кинематографиясида катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 50 йиллик тарихга эга Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланди. Ва 24 йиллик узилишдан сўнг илк бор кўтаринки руҳда қайта ўтказилди.*
*Кадрлар салоҳиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизда дунёга машҳур А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институтининг филиали очилди. Киночилар саройи, кинофонд ва киномузей ташкил этилди. 95 йиллик тарихга эга афсонавий "Ўзбекфильм" киностудияси янгидан реконструкция қилинди. Хориждан 100 га яқин ўзбек миллий фильмларининг негативлари қайтарилди.*

Ҳакамлар ҳайъати ўзбекистонлик ижодкорлар маҳоратига юқори баҳо берди. Масалан, режиссёр Али Ҳамроев асари ҳужжатли фильм бўлишига қарамай, қизиқарли далил ва ракурсларни топиб, тасвирларга "жон" кирита олгани олқишланди. Ҳақиқатан ҳам, фильмда ўша давр руҳиятини кўриш ва ҳис қилиш мумкин. Фильмларга мазмундорлик, мавзунинг яхши танлангани, ижодий жамоанинг маҳорати, бирдамлиги, уюшқоқлиги муваффақият келтирди, деб ҳисоблайман.

Шу билан бирга, бу ютуқлар нафақат миллий кино санъатимизнинг халқаро эътирофи, балки янгиланаётган Ўзбекистондаги ислоҳотлар самарасини дунё ҳамжамияти тан олаётгани, жумладан, беназир ўзбек кино санъатининг янги уфқларга кўтарилишига юксак ишонч ифодасидир.

**— Фестивалда сизга "Туркий дунё маданияти ривожига қўшган ҳиссаси учун" махсус мукофоти топширилганини эшитиб, хурсанд бўлдик. Муборак бўлсин! Қўлга киритилаётган бундай ютуқлар Ўзбекистон кино санъатида ривожланиш юз бераётганини намоён этади, албатта. Шу билан бирга, юртимизда ушбу санъатнинг жаҳон даражасига кўтарилиши учун яна қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайсиз?**

— Қутлов учун ташаккур! Мазкур мукофот сўнгги беш йил давомида Ўзбекистонда олиб борилаётган кино ислоҳотларига берилган баҳо деб биламан. Мазкур ислоҳотлар бевосита Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан боғлиқ. Чунончи, шу йилнинг ўзида ўзбек кинематографиясида катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 50 йиллик тарихга эга Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланди. Ва 24 йиллик узилишдан сўнг илк бор кўтаринки руҳда қайта ўтказилди.

Кадрлар салоҳиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизда дунёга машҳур А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институтининг филиали очилди. Киночилар саройи, кинофонд ва киномузей ташкил этилди. 95 йиллик тарихга эга афсонавий "Ўзбекфильм" киностудияси янгидан реконструкция қилинди. Хориждан 100 га яқин ўзбек миллий фильмларининг негативлари қайтарилди. Кинога ажратиладиган бюджет маблағи бир неча баробар ошди. Булар ислоҳотларнинг кичик қисми, холос. Улар давлатимиз раҳбарининг маънавият ва маданият, санъат ривожига кўрсатаётган эътибори маҳсулидир.

Айни чоғда менга берилган мукофот — барча киноижодкорларимизники! Чунки муваффақиятларимиз ортида катта жамоа ва ҳамжиҳатликдаги меҳнат турибди. Уларга чуқур ҳурматимни ва миннатдорлигимни билдираман.

Кино санъатимизни жаҳон даражасига кўтариш борасидаги устувор чора-тадбирлар давлатимиз раҳбарининг ижодкор зиёлилар билан учрашувларида белгилаб берилган вазифаларда, "Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармон, "Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор ва бошқа ҳужжатларда аниқ ифодасини топган. Уларни ўз вақтида, бекамикўст, уюшқоқлик билан адо этсак, мақсадимизга, олдимизга қўйган баланд марраларга, албатта, етамиз.

**— Кино соҳасида Туркия билан ҳамкорлик истиқболлари қандай? Мазкур санъат тараққий этган бошқа мамлакатлар билан-чи? Томошабинлар соҳа мутасаддилари ва ижодкорларидан қандай "сюрприз"ларни кутса бўлади?**

— Юқорида Туркиянинг кўплаб компаниялари билан ҳамкорликка эришганимиз ҳақида гапирдик. Бу ҳамкорлик қатор йирик кинокомпаниялар билан ҳам йўлга қўйилди. Эндиликда Ўзбекистон ва Туркия киносаноатида ҳам туб бурилиш қилиш ниятидамиз. Ҳамкорлар билан ко-продукциялар бўйича музокаралар олиб борилди. Кейинги йилдан туркиялик ҳамкасбларимиз билан бирга қатор фильмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. "Коркут ата" кинофестивали бизни шу мақсадда бир жойга жамлади.

Шунингдек, Туркия билан кино таълими алоқалари ҳам ўрнатилади. Фестивалда Бутунроссия давлат кинематография институтининг Тошкент филиали ва Истанбул киноакадемияси ўзаро ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқди.

Туркиялик киноижодкорлар бир пайтлар Туркиянинг мустақил бўлишида ўз ҳиссасини қўшган ўзбекистонлик арбоб Файзулла Хўжаев ҳақида ко-продукция қилишга қизиқмоқда. Ҳозирги кунда бу бўйича музокаралар давом этмоқда. Насиб этса, ушбу лойиҳани ҳам бошлаш арафасидамиз.

Айни пайтга қадар Беларусь, Япония, Россия, Тожикистон, Қозоғистон каби давлатлар билан фильмлар яратдик. Бу ҳамкорлик яна давом этиши учун ишлар жадал тус олган. Мисол учун режиссёр Муҳаммадали Искандаров Беларусда Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Мамадали Топволдиев ҳақида фильмни суратга олиш ишларига тайёргарлик жараёни билан банд. Россиялик киноижодкорлар билан ҳам яқинда бир янги лойиҳани тугатдик. Бу "Солнце на вкус" ко-продукцияси. Фильм оилавий томоша қилишга мўлжалланган.

Хуллас, интилишларимиз, изланишларимиз, юксалиш учун ҳаракатларимизнинг барчаси — Ўзбекистон кино санъатининг тараққиётига ҳисса қўшиш, бизга билдирилган ишончни оқлаш, томошабинларимизга манзур бўладиган киноасарлар яратиш, шу орқали халқимизнинг бебаҳо маданияти, санъатини бутун дунёга намоён этишдир.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

ЭЪЛОНЛАР

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**
**АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР**

NBU O'ZMILLIYBANK

**Жамиятнинг номи:** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.
**Жойлашган жойи:** 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
**Электрон почта манзиллари:** info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz
**Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили:** 2021 йил 7 декабрь, соат 9:30. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
**Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана:** 2021 йил 1 декабрь.
Кун тартибига киритилган масалалар:
1. "Ўзмиллийбанк" уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
**Акциядорларни ахборот (материаллар) билан таништириш:** банк сайти, хат орқали ва электрон хат орқали.

**"Shoshilinch tibbiy yordam xizmatini takomillashtirish" loyihasi doirasida loyihani amalga oshirish guruhi idorasiga ichimlik suvi yetkazib berish bo'yicha xizmatlar ko'rsatuvchi kompaniya (tashkilot)ni tanlash bo'yicha tanlov e'lon qilinadi.**

Tijorat takliflari quyida ko'rsatilgan manzilda **2021-yil 22-noyabr soat 18.00 gacha** (Toshkent vaqti bilan) qabul qilinadi.

**"Tez tibbiy yordam xizmatini takomillashtirish" LAOG: Toshkent shahri, Kichik halqa yo'li — 2, Respublika shoshilinch tibbiy yordam ilmiy markazi.**
**Elektron pochta: ems_piu@jpib.uz**
**Telefon: 78-150-72-46 (ichki 209).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 446 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.00 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6